XALQ DEPUTATLARI QORAKO’L TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 29 - noyabr VI-63-170-2-37-K/22 Qorako'l tuman hokimligi

Қоракўл туманидаги “Қозон” ва “Ташаббус” маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг чинакам халқона институти сифатида жамиятимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бу халқ билан мулоқот қилиш ва инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган эзгу вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори асосида "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегарасини белгилаш ва ўзгартиш тартиби тўғрисида"ги Низомга, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ва Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосланиб, хонадон сони 1021 та бўлган “Қозон” маҳалласининг Зоғоракаш қишлоғини 85 та хонадонини “Ташаббус” маҳалласига қўшилиши натижасида “Ташаббус” маҳалласида 726 та хонадон бўлади.

Бу таклиф натижасида Маҳалла тизимида ишлаётган ходимларнинг иш сифати анча яхшиланади, аҳолимизга ҳам қулайлик яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарорига асосланиб, Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими билдириш хати, илтимосномаси ва фуқаролар йиғини кенгаши қарорига кўра “Қозон” ва “Ташаббус” маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларини

ўзгартириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, Давлат кадастрлар палатаси Бухоро вилояти бошкармаси туман филиали, туман Статистика бўлими бошлиғига тегишли давлат рўйхатидан ўтказиш идоралари билан биргаликда мазкур қарордан келиб чиқиб ҳисоботларга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Kengash raisi **Х.Я.Тоҳиров**